

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 10 апрель, № 73 (7853)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ВА ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган талаб тарихий жihatдан ўзгармоқда, хусусан, углеводород ресурсларидан қайта тикланувчи манбаларга ўтишда водород энергетикасини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда.

Шу билан бирга, соҳа ҳолатининг таҳлили иқлим ўзгариши шароитида республикада самарали, ресурстежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодий таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жаддалашётган санатлаштириш ва аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий энергия ресурсларига бўлган аҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда.

Республиканинг энергетика хавфсизлигини мустақамлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, ушбу соҳанинг илмий салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

Республикада водород энергетикасини инфратузилмасини барпо этиш, қайта тикланувчи ва водород энергетикасини соҳаларида илмий ва амалий изланишларнинг натижаларини ошириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Инновацион ривожлантириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлигининг:

Фанлар академиясининг "Халқаро қўёш энергияси институти" МЧЖ негизида Энергетика вазирлиги ҳузуринда **Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда — Институт);

Институт тузилмасида **Водород энергетикасини илмий-тадқиқот марказини** ҳамда **Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини технологияларини синаш ва сертифицилаш лабораториясини** ташкил этиш тўғрисидаги тақдир қарарини маъқуллаш;

2. **Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича идораларо комиссия** (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги **вазифалар** юклансин:

Институт фаолиятининг ташкил этилишини мувофиқлаштириш; **қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия** ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни, шунингдек, ушбу соҳалардаги истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

қайта тикланувчи ва водород энергетикасини соҳаларида зарур тадқиқотлар ўтказиш ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида **вазирлик ва идораларга кўмаклашиш**;

қайта тикланувчи ва водород энергетикасини соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун **зарур шарт-шароитлар яратиш**, шу жумладан, **илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш**.

3. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш, **ушбу соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш**;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водороддан олинган энергияни электр ҳамда иссиқлик энергиясига айлантириш ҳисобига улардан **иқтисодийнинг юқори технологик соҳалари ва тармоқларида самарали фойдаланиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш**;

қайта тикланувчи энергия ва водородни **ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш** ва (ёки) уларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар талабларига мослаштириш;

илгор давлатларнинг мазкур соҳалардаги илмий муассасалари, марказлари ҳамда экспертлари билан **ҳамкорлик ўрнатиш ва улар иштирокида тадқиқотларни ташкил қилиш**, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларда иштирок этиш;

(Давоми 2-бетда).

## «ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ «ЙЎЛБАРСИ»

2021 йил 5 апрель куни gazeta.ru сайтида Россиянинг "Совкомбанк" хусусий универсал тижорат банки бош таҳлилчиси Михаил Васильевнинг мамлакатимиз иқтисодий юксалишига туртки бўлаётган асосий омиллар ҳақидаги "Ўзбекистон — Марказий Осийнинг янги "йўлбарси" ноли мақоласи эълон қилинди. Қуйида ушбу мақола таржимаси билан танишишингиз мумкин.

### Эътироф

"XX аср ўрталаридан бошлаб Осий минтақасидаги бир гуруҳ мамлакатлар қисқа вақт ичида иқтисодий ва технологик тараққиётда мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб, жаҳон ҳам-жамиятини бир неча бор хайратда қолдирди. Ҳолбуки, қўллаб қувватли давлатлар ҳам ўз тарихида бундай кескин юксалишга эриша олмаган.

"Осий йўлбарслари" феномени аллақачон иқтисодий таъминотида қиритилган. "Осий йўлбарслари"нинг биринчи тўлиқни — Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Гонконг 1960 — 1990 йиллар оралиғида энг юқори чўққига кўтарилди. Бу мамлакатлардаги жадал ўсиш 1998 йилда юз берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан сўнг барқарорлашди.

Иккинчи тўлиқни "йўлбарслари" — Индонезия, Малайзия, Вьетнам ва Таиланд модернизацияни ўтган аср 90-йиллари охиридан бошлади. Айни пайтда ушбу давлатлар осийлик "тўлиқни" шериклари технологик "занжири" да тўла иштирок этмоқда, иқтисодий ривожланиш бўйича "катта йўлбарс"ларга яқинлашиб борапти.



Бинобарин, бу давлатларда корхоналар кўп даромад олиб, аҳоли қиётининг бошқа мамлакатларидагига қараганда яхши яшаса-да, айни пайт иқтисодийнинг ўсиш суръати илгаригидек юқори эмас.

Табиийки, энди учинчи тўлиқни даври келди ва Марказий Осий вакили — Ўзбекистонни ишон билан навбатдаги эврилик локомотиви, деб аташ мумкин.

Нима сабабдан Ўзбекистонни



Жануби-Шарқий Осийдан бошланган эстафетани ўз қўлига олиб, янги "йўлбарс" бўла олади, дея ишонч билан айтиш мумкин?

Негаки, барча "йўлбарслар"ни ягона омил — хорижий инвестиция оқими ва инсон капитали сифатини яхши-лаш гоёси бирлаштирган. Булар айнан бугунги кунда, айниқса, сўнги йилларда Ўзбекистонга хос бўлган омиллардир.

Инсон капитали нуқтаи назаридан

таъкидлаш керакки, Марказий Осийдаги нефть бўлмаган бошқа мамлакатлар орасида Ўзбекистон энг юқори — киши бошига 1700 долларга тенг меҳнат унумдорлигига эга. Ўзбеклар бу кўрсаткич бўйича, хато иқтисодий таъминоти бўлиб хизмат қилади.

Юқори меҳнат унумдорлигини харақат қилинган нефть бўлмаган ускуналарнинг ўзи таъминлаб бера олмайди. Зеро, одамлар меҳнат самарадорлигини ривожлантиришнинг яна бир асосий омил таъминоти.

Умуман, Ўзбекистон таълим учун

йилига ЯИМнинг 5-6 фоизини сарфлайди, бу нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, балки жаҳон бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бири. Масалан, АҚШда таълим учун айнан шунча маблағ сарфланади. Хориждан келадиган капитал оқими эса иқтисодий таъминоти таркибий ўзгаришлар каттаизатори бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб амалга оширилётган иқтисодий ислохотлар натижасида хорижий инвестициялар оқимини фаоллаштириш имкони пайдо бўлди. Бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёев, унинг Администрацияси ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг иқтисодий фаолигини рағбатлантиришга оид қонунлар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган идоралар фаолиятини қайд этмасликнинг илоҳи йўқ.



## МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Амир Темури — халқимизнинг обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруқ келажакка ишонч билан яшашига маънавий куч бағишлаб келадиган улғун сиймолардан бири.

### Эътиром



Соҳибқирон таваллуд топган кунни юртдошларимиз улғун аждодимиз хотирасига эътиром

сифатида ҳар йили кўтаринки руҳда байрам қилади. Буюк бобомиз таваллудининг 685 йил-

лиги кенг нишонланаётган айни кунларда бу жихат яна бир бор намён бўлаётир.



## «СЕН УХЛАГАНИНГДА ДУШМАНИНГ УЙФОҚ БЎЛАДИ»

ёхуд маънавий ишларда жамоатчиликнинг роли ҳақида

Дунёдаги кескин мафкуравий ўзгаришлар, радикал, агрессив оқимларнинг кучайиб бориши, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Айрим давлатларда экстремистик кучлар, тажовузкор гуруҳлар томонидан олиб борилаётган, беозор бўлиб қўрилган тесқари тарғиботлар ўзининг аширин "жозибаси" билан кўпларни ром айлагани ҳам бор гап. Айни пайтда улар ўзларининг ёвуз башараларини тобора ошқор этипти, вайронкор, бузғунчи гоғларни билан қанчадан-қанча ёшларни йўлдан адаштирмоқда.

### Мулоҳаза

Масаланинг нозик жиҳати ҳам шундаки, ёш мураккаб давлатларни танлаб олган тараққиёт йўлидан, орау-мақсадларига эришиш, янги жамият қуриш йўлидан қайтармоқчи бўлаётганлар, аввало, дунёқараши мўрт ёшлар қалби ва он-гини эгаллашга, уларни бегона гоғлар билан чалғитиб, ўзи-

нинг ғаразли ниятларини амалга оширишга уринишлари тайин. Европа мамлакатларида мухожирликка қарши руҳдаги ирқчи ва миллатчи ёшлар ҳаракатининг урчи бораётгани, улар дастидан кўчаларда бемалол юриш муаммога айланаётгани, Шарқ мамлакатлари ёшлари ҳаётига фаҳш,



## РАСМИЙ ТАДБИРЛАР ЮЗАСИДАН НАВБАТДАГИ БРИФИНГ

Миллий матбуот марказида 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари — Президент матбуот котиви Шерзод Асадов брифинг ўтказди.

Унда жорий ҳафта Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган учрашувлар ва муҳим йиғилишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакиллари га мазмунот берилди.

Таъкидланганидек, бу ҳафта тадбирларга бой бўлди, давлатимиз раҳбари бир қатор хорижий делегацияларни қабул қилди, муҳим йиғилишлар шаклланишига бевосита боғлиқ. Иморатнинг пойдевори қанчалик бакуват бўлса, у шунчалик умрбоқий туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай бино кулаб тушиши тайин. Мамлакатимиз пойдевори, шубҳасиз, аҳолининг 60 фоиздан кўпрогини ташкил этган ёшлардир.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 5 апрель куни Эрон Ислому Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Мухаммад Жавад Зарифни қабул қилди.

Шу куни Президентимиз Россия Федерацияси санат ва савдо вазирлиги Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни ҳам қабул қилди. Унда Тошкентда илк бор ўтказилган "Иннопром" санат ҳафталиги янги кооперация лойиҳаларини бошлаш учун ишончли платформа бўлиб хизмат қилиши қайд этилди. Бу борада аниқ лойиҳалар муҳокама қилингани айтиб ўтилди.

Учрашувада хозирги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, Президентимизнинг Россияга расмий ташрифини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилгани қайд этилди.

Брифингда Президентимиз 6 апрель куни Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сох бошчилигидаги делегация билан ўтказган мулоқот ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.



## Муносабат

### РАҲБАРЛАР ҚАЧОН ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШАДИ?

Куни кеча Президентимиз раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди ва унда ушбу соҳада йўл қўйлаётган камчилик ҳамда муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожини, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишдаги аҳамияти жуда ҳам юқори. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам кўрсатиш, имтиёзлар бериш энг муҳим ва устувор вазифага айланди. Лекин айрим ҳудуд ҳамда сектор раҳбарлари яратилган бу имкониятлардан ҳалигача тўлиқ фойдалана олмапти.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу соҳага қанчалик кўп маблағ ажратилмасин, Фармон, қарорлар қабул қилиниб, шароит яратилмасин, куйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириш, тадбиркорлар билан дўстона ишлаши қўйиб бўлапти.

Таъкидланганидек, кичик

бизнес субъектларига ажратилган ҳамми 120 триллион сўмлик кредит ва молиявий ёрдам натижасида пандемиядан зарар кўрган 104 мингдан ортиқ корхоналар фаолияти тикланган. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида 27 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил топган бўлиб, тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 13 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда бу борада давлат томонидан иқтисодий учун керакли шарт-шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашмаслик, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонун ҳужжатларини соддалаштириш ҳамда тадбиркорлар учун кўпроқ эркинлик муҳитини яратиш чоралари кўрилмоқда.



## ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ОЙЛАР СУЛТОНИ, МАРҲАБО!

Халқимиз меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик сингари ўзига хос эзгу фазилатларни асрлар давомида қадрлаб келади. Айниқса, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улғушладек эзгу амаллар кейинги йилларда янада ривожланиб, тараққий топиб, янгича маъна-маъмур касб этиб бормоқда. Ана шу қадриятлар Рамазон ойида яққол намён бўлади.

Ушбу муборак ой халқимизнинг маънавий-руҳий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу ойни юртдошларимиз интиқлик билан орзиқиб кутиб, муносиб ўтказишди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу ойда ҳар бир қилинган амалнинг эвазига 70 тадан 700 тагача савоб берилиши ҳадиси шарифда баён этилган. "Ҳар бир хайрли амалга ўн баробардан етти юз баробаргача савоб берилади" (Имом Табароний ривояти).

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Муборак Рамазон ойини муносиб

тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган барча мўмин-муслимон юртдошларимизни беҳад қувонтирди. Яна бир ҳолатни эслаб ўтиш янада кўпроқ шукр қилишимизга туртки бўлса, ажаб эмас. Авваллари Тошкент шаҳрида бармоқ билан санарли масжидларда Қуръони карим хатм қилинар, қорилар Қиром, Туркия, Саудия Арабистони каби давлатлардан тақли этилар эди. "Биров бил-масин", дея уч кунда Қуръони карим ўқиб тугатилар эди.



